

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI  
VAZIRLIGI**

**Sirdaryo viloyat pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va  
malakasini oshirish instituti**

**“Maktabgacha va boshlang‘ich ta’lim” kafedrası**

**J.A.Rustamov**

**КАСБЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

**(8-9 sinf mehnat ta’limi o‘qituvchilari uchun kasbga yo‘naltirish bo‘yicha metodik qo‘llanma)**



**Guliston -2014**

**Muallif:**

**J.Rustamov**

– SVPKQTMOI “Maktabgacha va boshlang’ich ta’lim” kafedrası katta o’qituvchisi

**Taqrizchilar:**

**A.Jonibekov**

– SVPKQTMOI “Maktabgacha va boshlang’ich ta’lim” kafedra mudiri  
Dotsent

**I.Raximov**

- SVPKQTMOI “Maktabgacha va boshlang’ich ta’lim” kafedrası katta o’qituvchisi

**Kompyuterda sahifalovchi: S. Raimov**

# КАСБЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

## 1. Классификациянинг умумий обзори

Дунёда минглаб касблар бор. Мана шу ранг-баранг касблар оламида қандай қилиб мўлжал олиш керак? Ҳаёт йўлини — меҳнат фаолиятини тўғри бошлаш учун қайси касбни танлаган маъқул? Бу ишда касблар классификацияси яхши ёрдам бериши мумкин.

Кўпгина предметларни ўрганиш чоғида ҳар хил оддий ва мураккаб объектлар, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар қандай системалаштирилишини билиб олинади. Масалан, ўсимлик ва ҳайвон организмлари типларга, туркумларга, турларга, оилаларга бирлаштирилади.


Касблар классификацияси учун ҳар хил белгиларни асос қилиб олиш мумкин. Масалан, уларнинг номлари бошланадиган биринчи ҳарфлар бўйича бўлиб чиқиш мумкин. Бу худди луғатларнинг тузилишига ўхшаган бўлади. Тўғри, бундай классификациядан касб танлаш учун фойдаланиш унчалик қулай бўлмайди, чунки касб танлаш учун энг аввало ўша касбнинг номини билиш керак. Ҳамма гап шундаки, кўп ҳолларда касбнинг номи, унинг қандай аталиши касб танлаётган кишига маълум бўлмайди. Масалан, айтайлик, сиз яхши расм чизасиз, бу машғулот сизга жуда ёқади ва сиз бундан кейин ҳам ўзингиздаги мана шу расм чизиш қобилияти керак бўладиган жойда ишлашни хоҳлайсиз. Хўш, айтингчи, сиз газмол ишлаб чиқаришда расмлардан нусха кўчирувчи деган касб борлигини, полиграфияда — колорист яъни рангшунос, ретушёр касби, бадиий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда—дизайнер касби борлигини ва у томонидан яратиладиган буюмларни дизайни яратилишини биласизми? Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин...

Касбларни яна улар халқ хўжалигининг қайси соҳасига тааллуқли эканлигига қараб ҳам жойлаштириб чиқиш мумкин. Бундай классификация корхоналар ва ўқув юртларининг раҳбарлари учун қулай бўлса ҳам, лекин касб танлаётган кишига унчалик қўл келмайди. Чиндан ҳам, масалан, биргина тикувчилик саноатининг ўзида модельер-конструкторлар, технологик жиҳозларни соловчилар, чилангарлар, газмолни саралайдиган сараловчи дизайнерлар, қирқувчилар, тикувчи-мотористлар, бухгалтерлар, иктисодчилар... сингари жуда кўп касблар мавжуд. Лекин кишининг шахсий фазилатлари (қизиқишлари, майллари, қобилиятлари, ҳосил қилган тажрибаси) билан саноатнинг бир тармоғидаги касбларни бутунлай қамраб олиш мумкинми? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам тармоқ белгилари бўйича тузилган классификациядан эмас, балки одамнинг ўзидан, яъни меҳнатда бевосита иштирок этадиган кишининг ўзидан келиб чиқадиган белгиларга қараб тузиб чиқилган классификациядан фойдаланиш касб танлаётган киши учун қўлай бўлади.

Чиндан ҳам, одам ишлаётган вақтда унинг диққат-эътибори соҳага эмас (бу соҳа қанчалик яхши, обрў-эътиборли ва бошқа кўпгина афзалликларга эга

бўлишига қарамай), балки меҳнат предмети (объекти) га қаратилган бўлади. Мана шу предметни ишлатиб, нимадир қилиш керак (бу энди меҳнатнинг мақсади бўлади). Ҳар қандай меҳнатда қуроллар, воситалар мавжуддир. Ниҳоят, одам учун унинг қандай шароитда ишлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Касб танлашни ўйлаётган киши учун қулай бўлган касблар классификацияси мана шу тўртта белгига қараб тузилади.

Схематик тарзда олганда, бундай классификацияни тўрт қаватли яруслардан иборат пирамида шаклида тасаввур қилиш мумкин. Унинг яруслари: касбларнинг типлари; касбларнинг туркумлари; касбларнинг бўлимлари; касбларнинг гуруҳларидан иборат бўлади (1-расм). Энг юқорида бўш қолдирилган тўғри бурчак сизнинг бўлажак касбингизга мўлжалланган.



1- расм. Касблар классификациясини кўрсатувчи схема

Ушбу схемани сиз ўзингизнинг келажақдаги меҳнат йўлингизни танлаётганингизда ўйлаб олишингизга имкон берадиган, аста-секин пастдан юқорига қараб чиқиб боришингиз мумкин бўлган (касб типини аниқлашдан бошлаб унинг туркумини муҳокама қилишга ўтиш ва ҳоказо) бир «пиллапоя» сифатида қараш мумкин.

## 2. Касбларнинг типлари

Меҳнат предметиға қараб барча касблар бешта типға бўлинади.

**1. «Одам — табиат».** Бу ерда меҳнатнинг асосий, етакчи предмети — жонли табиатдир. Бу типға, масалан, қуйидаги касблар киради: уруғшунос, мевасабзавотшунос, давлат уруғчилик инспекциясининг лаборанти, чорвадор, химик-бактериалогик анализ лаборанти, зоотехник, агроном.

«Одам-табиат» типдаги касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

ўсимликлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;

ҳайвонлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;

микроорганизмлар меҳнат предмети бўлган касблар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бўлиниш «одам-табиат» типдаги касбга мансуб бўлган кишилар меҳнати фақат эслатиб ўтилган предметларгагина қаратилган бўлади, деган маънони англатмайди, албатта. Ўсимликшунослар, масалан, жамоа орасида ишлайдилар, хилма-хил техникадан фойдаланадилар, уларнинг ўз меҳнатларини ҳисобга олиш, унга иқтисодий баҳо бериш масалалари билан ҳам шуғулланишларига тўғри келади, лекин бари бир ўсимликшуносларнинг диққат-эътиборини жалб этадиган ва улар ғамхўрлик қиладиган асосий предмет — бу ўсимликлар ва улар ўсадиган муҳит ҳисобланади.

Мазкур типдаги касбни танлаш вақтида сиз ўзингиз табиатга қандай муносабатда бўлишингиз жуда муҳим аҳамиятга эгадир: сиз унга дам оладиган, кўнгил хушлик қиладиган жой деб қарайсизми ёки ўзингизни бутун куч-ғайратингизни бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этишга шайланаётган устахона деб қарайсизми? Бу саволга жавоб бериш учун одам ўзини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, жонли табиатга алоқадор ижтимоий фойдали меҳнат-жараёнида ёки тегишли тўғараклар, қизиқиш бўйича тузилган гуруҳларнинг машғулотларида қатнашиб синаб кўриши мумкин.

«Одам-табиат» типдаги касбларни танлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Меҳнатнинг биологик объектларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар (ўз ички қонуниятларига кура) мураккаб, ўзгарувчан ва ностандарт бўладилар. Ўсимликлар ҳам, жониворлар ҳам, микроорганизмлар ҳам дунёга келиб яшайдилар, ўсадилар, ривожланадилар. Шунингдек касалликка чалинадилар ва ҳалок бўладилар. Бу соҳада ишлайдиган ходим тирик организмлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни шунчаки билибгина қолмай, шу билан бирга кўпинча муқаррар равишда содир бўладиган ёки содир бўлиши эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳам олдиндан кўра билиши керак. Конкрет меҳнат вазифаларини ҳал қилиш вақтида одамдан ташаббускорлик ва мустақиллик талаб қилинади, у табиатга нисбатан ғамхўр ва узоқни кўра оладиган киши бўлиши керак.

Бу иш сизга ёқадими, куйидаги ишларни бажаришни хоҳлармидингиз:

1. Биологиядан лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажаришни истайсизми?
2. Мактаб ўқув-тажриба ер участкасида, тирик бурчакда ишлаш ёқадими?
3. Ўз томорқа участкангизда, боғингизда, полизингизда ишлашни истайсизми?..
4. Уй ҳайвонларини боқишни истайсизми?
5. Жонли табиат тўғрисидаги илмий-оммабоп, бадиий адабиётни ўқишни севасизми?

Агар мана шу саволларнинг кўпчилигига «ҳа» деб жавоб берадиган бўлсангиз, у ҳолда «одам-табиат» типдаги касбларнинг сизга тўғри келиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ, ҳозирча бу хулосани ҳали узил-кесил хулоса деб ҳисоблаб бўлмайди. Кейинчалик сиз яна бир қанча омиллар йиғиндисини билиб оласизки, касб танлашда шу омилларни ҳисобга олмоқ зарур.

**2. «Одам-техника».** Бундай касблар типда меҳнатнинг асосий етакчи предмети — техника объектлари (машиналар, механизмлар ва бошқа шунга ўхшашлар), материаллар, энергия турларидан иборат бўлади. Жонсиз табиат объектлари (Ер ости бойликлари, тупроқ, сув, ўрмон ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари) ҳам кўп жиҳатдан шуларга ўхшаган бўлади.

Бу ерда ходимларнинг меҳнати фақат техникагагина қаратилиб қолмайди, албатта. Чунончи, троллейбус ҳайдовчиси иш вақтида пассажирлар билан мулоқотга киришади, кран машинисти (кранчи) қишлоқ хўжалик ҳайвонлари қамалган қафасчани ортиш билан машғул бўлиши ҳам мумкин ва ҳоказо. Лекин барибир мазкур ҳолатларда ходимларнинг профессионал диққат-эътибори қаратиладиган ва улар ғамхўрлик қиладиган етакчи предмет — техника объектлари ва уларнинг хусусиятлари бўлиб қолаверади.

«Одам-техника» типдаги касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

қазиб олинган тупроқ, тоғ жинсларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган касблар: бульдозер-машинисти, бурғулаш курилмасининг бошқарувчиси, кон техниги, инженер-геолог ва шунга ўхшашлар;

нометалл саноат материаллари, буюмлар, чала маҳсулотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар: дурадгор, кенг профилдаги оптик, тўқувчи, тикувчи-мотористка, инженер-технолог ва бошқалар;

металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш, масшналарни, приборларни механик усулда йиғиш ва монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: токаръ, дастур билан бошқариладиган станоклар оператори, чилангар-асбобсоз, техник-металлург, ярим автомат машиналарда электр билан пайвандловчи ва ҳоказо;

технология машиналари, жиҳозлари, транспорт воситаларини таъмирлаш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: таъмирчи-чилангар, технологик жиҳозлар созловчиси, инженер-механик ва бошқалар;

бинолар, иншоотлар, конструкцияларни монтаж, ремонт қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: арматурачи-бетончи, қўлда ишлатиладиган асбоб билан кавшарловчи-электр пайвандловчи, чилангар-кема ремонтчиси, архитектор ва бошқалар;

электр жиҳозларини, приборларни ва аппаратларни йиғиш, монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: кема электр монтажчиси, радиоаппаратлар ва приборлар монтажчиси, микросхемаларни йиғувчи, соатсоз йиғувчи, компьютер йиғувчилар, инженер-физик ва бошқалар.

электр жиҳозлари, приборлар, аппаратлар ремонтни, созланиши ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: радио ва телевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ремонтни бўйича радиомеханик, электрослесаръ, программа билан бошқариладиган станокларни созловчи, электр алоқалари техниги, АКТ га хизмат кўрсатувчи техниклар, радио-физик ва бошқалар;

юк кўтариш, транспорт воситаларини қўлланиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган касблар: автомобиль ҳайдовчиси, механизатор, граждан авиациясининг учувчиси, автомобиль транспортдан фойдаланиш инженери, механиклар ва бошқалар;

кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: ошпаз, нонвой, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инженер-технолог ва бошқалар.

Техника объектларини қайта ишлаш, ўзтартириш, қайта жойлатириш ёки баҳолашда ходимдан ниҳоятда аниқ ишлаш, ўз хатти-ҳаракатларида қатъиятли бўлиш талаб қилинади. Модомики техника объектлари амалда ҳар доим одамнинг ўз қўли билан яратилар экан, техника оламида новаторлик, фикр-мулоҳаза қилиб кўриш учун техника ижодкорлигини намоиш қилиш учун айниқса катта имкониятлар мавжуддир. Ишга ижодий ёндашиш билан бир қаторда техника соҳасида (хуллас, бошқа ҳамма жойда ҳам) одамдан юксак даражада ижрочилик интизоми талаб қилинади.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

*Бу ишлар сизга ёқадими, қуйидаги ишларни қилишни хоҳлармидингиз:*

1. Янги материаллар, асбоблар, машиналарнинг янги турлари тўғрисида билишни истайсизми?
  2. Қандайдир материалларни, буюмларни (газмолдан, ёғочдан, қоғоздан, металлдан ясалган, озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланган ва бошқа шунга ўхшашларни) қараб чиқишни хоҳлайсизми?
  3. Буюмларнинг хусусиятларини ва нималарга ишлатилишини билишни истайсизми?
  4. Ўз қўлингиз билан буюмни, маҳсулотни тайёрлаш истагингиз борми?
  5. Янги буюмлар ўйлаб топишга ёки мавжуд буюмларни бошқачароқ қилиб яшашга хоҳишингиз қалай?
  6. Ҳар хил предметларни йиғиб ишлаш сизга ёқадими?
  7. Кундалик турмушга керак бўладиган нарсаларни, маиший техникани, кийим-кечакларни тартибга солиш (таъмирлаш, қайтадан яшаш) ни яхши кўрасизми?
  8. Техник чизмаларни, схемаларни тушуна оласизми?
  9. Ўлчов воситаларидан фойдаланишни биласизми?
  10. Чизмалар чизишни биласизми?
- Борди-ю, сиз кўп саволларга «ҳа» деб жавоб берар экансиз, чамаси, сизга «одам—техника» типигаги касб-тўғри келади.

**3. «Одам-одам».** Бу ерда асосий меҳнат предмети одамлардир. Мазкур меҳнат соҳасида майллар, қизиқишлар қай даражада эканини аниқлашда ўқув предметларидан ташқари, сиз шахсан ўзингиз жамоат ишларида, жамоавий равишда ўтказилган тадбирларни ташкил этишда иштирок этиб ортирган тажрибангиз ҳам ёрдам беради.

Мазкур типга кирадиган қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

одамларни ўқитиш ва тарбиялаш билан болалар жамоаларини уюштириш билан боғлиқ бўлган касблар: мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси, ишлаб чиқариш таълими ўқитувчиси, ўқитувчи ва бошқалар;

ишлаб чиқаришни бошқариш, одамларга, коллективларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: автотранспорт корхонасининг диспетчери, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инженер иқтисодчи ва бошқалар;

маиший, савдо хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: сотувчи, сартарош, комплекс қабул пунктида буюртмаларни қабул қилувчи ва бошқалар;

ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар, шаҳарлараро алоқа телефонисткаси, маълумотлар бюросининг ходими, экскурсовод ва бошқалар; одамларга информацион-бадий хизмат кўрсатиш ҳамда бадий жамоаларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: маданият уйи ходими, дирижёр ва бошқалар;

тиббий хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: фельдшер., тиббиёт ҳамшираси, врач ва бошқалар.

«Одам-одам» типигаги касбларга оид меҳнатнинг асосий мазмуни одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборатдир. Бундай бир-бирига таъсир кўрсатишнинг муҳим қисми ўзаро муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур типдаги касб бўйича муваффақиятли ишлаш учун одамлар билан алоқага киришиш ва улар билан доимий равишда мулоқотда бўлишни,

одамларни тушунишни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб муомала қилишни ўрганиб олиш керак, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва бошқа шу сингари тегишли соҳага оид билимларни эгаллаб олиш лозим.

Одамлар билан ишлаш унчалик осон ишлардан эмас. Мисол учун сотувчилик касбини олиб кўрайлик. Сотувчи иш вақтида минут сайин янги-янги одамлар билан муомала қилиши керак. Харидорлар ҳар хил бўлади: улар орасида ўта синчковлари ҳам, мол танлашда иккиланиб турадиганлари ҳам, ҳаддан ташқари кўп гапирадиганлари ҳам учраб туради ва ҳоказо. Харидорлар билан муомала қила олиш эса сотувчининг вазифасидир.

Бу ерда сотувчига ўзига хос истёдод: оғир-вазмин, хушмуомала, хушфеъл бўлиш маҳорати зарур бўлади.

«Одам — одам» типидати касб танлаш учун жуда муҳим ва зарур бўлган шахсий фазилатларнинг қисқача рўйхати қуйидагилардан иборат:

одамлар билан ишлаш жараёнида барқарор яхши кайфиятда бўлиш;

одамлар билан муомалада бўлишга ўзида эҳтиёж сезиш, жамоат, оталик ишларида сидқидилдан иштирок этиш;

бошқа кишиларнинг ниятини, ўй-фикрларини, кайфиятини тушуна олиш, фикран ўзини бошқа кишининг ўрнига қўйиб кўриш қобилияти;

одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тезда билиб олиш, кўпчилик кишиларнинг шахсий фазилатларини яхши тушуниш ва билиш маҳоратига эга бўлиш; турли кишилар билан умумий тил топа олиш яъни юқори савияда муомила маданиятига эга бўлиш талаб этилади.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Бошқа одамлар сизни муомалада тез хафа бўладиган, табиати нозик ва сал гапни кўнгли кўтармайдиган киши, деб ҳисоблайдиларми (танқидга, танбеҳга жавоб беришда)?
2. Муомала вақтида пайдо бўлган кайфият (кувонч, хафа-гарчилик, кайғу) дан кўнглингизда қолган нарсалар узоқ муддат сақланиб қоладими?
3. Сизнинг кайфиятингиз гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, яхши-ёмон кайфиятлар тез-тез алмашилиб турадими?
4. Сиз ўз номингизга айтилган танқидий фикрларни кўнглингизга оғир олиб, узоқ вақт изтироб чекиб юрасизми?
5. Сершовқин, қувноқ одамлар орасига тушиб қолганда қаттиқ чарчамайсизми?
6. Янги одамлар билан танишишга тўғри келиб қолган вақтларда қийналиб, истиҳола қилиб юрмайсизми?
7. Сиз бирор янги гапни бошқа кишилардан сўраб билишдан кўра уни китобдан ўқиб билиб олиш осон ва қулай деб ҳисоблайсизми?
8. Сизда ёлғиз ўзингиз қолиб, тинч-осойишта бир жойда дам олиш истаги тез-тез бўлиб турадими?



9. Биров билан гаплашаётган вақтингизда керакли сўзларни топиб айтиш учун узоқ вақт ўйламайсизми?

10. Сиз жуда кўп янги танишлар орттиришдан кўра кичик бир даврадаги доимий дўстларни афзал кўрмайсизми?

Башарти, мана шу саволларнинг кўпчилигига сиз «ҳа» дёб жавоб берадиган бўлсангиз, у ҳолда, афтидан, одамлар билан боғлиқ бўладиган касблар сизга унчалик тўғри келмайди. Ҳар ҳолда бу соҳада муваффақиятга эришиш учун ўз устингизда кўпроқ ишлашингизга тўғри келади.

**4. «Одам-белгили тизим».** Касбларнинг бу типда шартли-белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги тизимлари дунёсида — текстлар, чизмалар, схемалар, карталар, жадваллар, формулалар, йўл белгилари ичида яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегишли мутахассислар ҳам зарур.

«Одам-белгили тизим» типдаги касблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳужжатларни (она тилида ёки чет тилида) расмийлаштириш, иш юритиш, текстлар ва уларнинг қайта ёзилиши, қайта кодлаш-тирилиши билан боғлиқ, бўлган касблар: таржимон, харф терувчи, телеграфчи, техник редактор ва бошқалар;

сонлар, миқдорий нисбатлар меҳнат предмети ҳисобланган касблар: ҳисоблаш машиналарининг оператори, назоратчи-ғазначи, АКТ бўйича дастурчилар, ҳисобчи, техник-режаловчи ва бошқалар;

шартли белгилар системаси, объектларнинг схематик тасвири кўринишидаги информацияларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: чизмачи, топограф, техник-геодезист, инженер ва бошқалар.

Мазкур типдаги касбларнинг бирортасида муваффақиятли ишлаш учун мана шу белгилар оламига, сиртдан қараганда қуруқ белги бўлиб кўринадиган оламга ҳаёлан шўнғиб кетадиган, теvarак-атрофни ўраб олган ҳаётдаги предметли хусусиятларни бирдан унута оладиган ва бутун диққат-эътиборни у ёки бу белгидан иборат маълумотларга қарата оладиган даражадаги алоҳида қобилият зарур бўлади. Шартли белгилар шаклидаги информацияларни қайта ишлаш вақтида маълумотларни контрол қилиш, текшириш, ҳисобга олиш, қайта ишлаш вазифаси, шунингдек, янги-янги белгилар, белги системаларини яратиш вазифаси пайдо бўлади.

Турли предметлар, саноклар, ҳисоблашлар, чизмалар, схемалар, ёзувлар олиб бориш, ҳар хил турдаги маълумотлар (газеталардан қирқиб олинган мақолалар, ҳужжатлардан кўчирмалар), бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржималарнинг тартибга солиб тўпланиши ва сақланиши бўйича бажарган ёзма ишингизда ўз тажрибангизга баҳо беришга ҳаракат қилиб кўринг. Агар мана шу ишларни сиз эринмасдан қизиқиш билан бажарган бўлсангиз, эҳтимол, бу сизнинг келгусидаги машғул бўладиган ишингиз — профессионал фаолият курсатадиган соҳангиз бўлиб қолиши мумкин.

**5. «Одам — бадий образ».** Касбларнинг бу типда бадий образлар, уларнинг тузилиш усуллари етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Бу ерда

қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин;

тасвирий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий мебеллар ишлаб чиқариш бўйича дурадгор, тошга ўйиб гул солувчи, ёритиш электротехниги (театрда), пойабзал канструктор-модельери, график-рассом ва бошқалар;

музика фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: пианино ва роялларни созловчи, оркестр артисти, композитор ва бошқалар;

адабий-бадий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий адабиёт редактори, адабий ходим ва бошқалар;

актёрлик-сахна фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: театр артисти, эстрада артисти ва бошқалар.

«Одам — бадий образ» типдаги касбларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, ходим амалга оширган, сарф қилган меҳнатининг анчагина қисми ташқи томондан қараган кишининг кўзига кўринмай, яширинча қолади. Бундан ташқари, меҳнатнинг сўнги натижасига эришиш учун, яъни ижронинг енгил, зўриқмасдан бажарилиши ва ўйналаётган ролнинг табиий чиқиши учун кўпинча махсус куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Чунончи, сахнада бор-йўғи бир неча минут давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак.

Мазкур типдаги касбни танламоқчи бўлсангиз, меҳнатнинг мана шу яширин томони тўғрисида ўйлаб кўринг, эҳтимол, бу ишни бажариш сизнинг қўлингиздан келмай қолиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, биз меҳнатнинг бошқа типини ажратиб кўрсатдик ва уларнинг ҳар бирини ўзига мувофиқ равишда П, Т, Ч, З, Х ҳарфлари билан белгилаб чиқдик. Бу ҳарфлар пирамиданинг биринчи яруси қаватини ташкил этади.

### 3. Касбларнинг туркумлари

Меҳнатнинг мақсади одам фаолияти мазмунининг муҳим характеристикаси ҳисобланади. Меҳнатнинг мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, уларни ўрта катта гурпуага: билиш, ўзгартириш, ўйлаб топиш гурпуаларига бўлиш мумкин.

Меҳнатнинг мақсадига қараб касбларни ўрта туркумга ажратиб кўрсатиш мумкин .

**1. Гностик касблар.** Бу касбларнинг (номи лотинча «гнозис» — билим, билиш деган маънони англатувчи) сўздан олинган. Агар сиз ақлий меҳнат (яъни билиб олиш, гностик меҳнат) билан фақат иш столида, кабинетда шуғулланиш мумкин деб ўзингизга одат бўлиб қолган тарзда ўйлайдиган бўлсангиз, у ҳолда бундай фикрдан воз кечишга тўғри келади. Билиш, ўрганш меҳнати билан боғлиқ бўлган кўпгина касблар мавжуд бўлиб, улар билан бевосита моддий ишлаб чиқариш жараёнида шуғулданишга тўғри келади. Масалан, назоратчилар, сортга ажратувчилар, дегустаторлар ана шундай касбдаги кишилардир.

Бу туркумдаги касбга оид меҳнатнинг мақсади турлича: маҳсулотни навларга ажратиш олдиндан маълум бўлган белгиларга қараб текшириш, баҳо

беришдан иборат бўлиши мумкин.

Масалан, корхонадаги техника назорати билимининг назоратчиси тайёрланган маҳсулотни Давлат стандартлари талаблари, маҳсулот намуналари билан солиштириб, таққослаб текширади. У маҳсулотни қандай навга киритиш кераклиги тўғрисида масъулиятли қарор чиқаради, яроқсиз маҳсулотни аниқлайди. Назоратчи ўз меҳнатида хилма-хил ўлчов асбобларидан, инструментлардан ва жиҳозлардан фойдаланади.

Гностик касбларни илгари қараб чиқилган бешта типдаги касбларнинг ҳар бири орасида топиш мумкин. Мана, бунга бир нечта мисол келтирамиз. П типдаги касб — тухумларни сортларга ажратувчи, химик-биологик анализ лаборанти; Т типдаги касб — радиоаппаратлар назоратчиси, вагонларни қараб юрувчи; Ч типдаги касб — транспорт ва бошқа соҳадаги меъёрловчилар, санитария врач; З — типдаги касб — корректор(аниқловчи), нормировщик(меъёрловчи); Х типдаги касб — мусиқа асбобларининг назоратчиси, адабий танқидчи.

Мазкур туркумдаги касблар ходим олдига муайян талаблар қўяди. Унда яққол намоён бўлиб турган билиш активлиги, кузатувчанлик, юксак даражадаги ишчанлик ҳамда диққат, хотира ва тафаккурнинг барқарор бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Маҳсулот сифати устидан ўрнатиладиган назорат, объектларга, шарт-шароитларга у ёки бу хилда баҳо бериш кўпинча бошқа кишиларнинг манфаатларига ҳам тааллуқли бўлиши туфайли бу ишда тутган ўриннинг катъий бўлиши, хулосалар чиқаришда принципиаллик кўрсатиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Қуйида гностик касб вакилларининг меҳнати мазмунига жуда қисқа тарзда берилган учта изох, келтирилади. Сиз уларда:

а) классификация, б) баҳо бериш, в) тадқиқот мақсадларидан қайси бири устун турганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг". *Товаршунос* (тайёр кийимлар ва газмоллар дўконида) олинган газламаларда узунасига босилган гулнинг бир текис чиққанлигини, уларда ишлаб чиқариш нуқсони ёки доғлар эҳтиётсизлик билан ортиб-тушириш вақтида кир-чир бўлган-бўлмаганлигини, омборларда нотўғри сақлаш, нотўғри ташиш натижасида ҳосил бўлган доғларнинг бор-йўқлигини текширади, тайёр кийимларнинг сифатли тикилишига эътиборни қаратади. *Радиодеталларнинг электр параметрларини ўлчовчи* ( заводда) ўз иш жойида электр ўлчов асбобига (ёки асбоблар комплексига), текшириладиган ва текшириб бўлинган (яроқсиз қилинган ёки яроқли) маҳсулотни солиш учун тарага, радиодеталларнинг параметларида йўл қўйиш мумкин бўлган четга чиқишлар тўғрисида маълумот берувчи, ҳаво муҳитидаги ҳароратга қараб тузатиш киритиш тўғрисида, қурилмалардаги хатоликлар тўғрисида маълумотлар ёзилган жадвалларга эга бўлади. Ўлчовчи киши детални қўлига олиб, уни ўлчов асбобининг контактига улайди, шкалага қараб, у ёки бу қарорга келганидан кейин, детални тегишли идиш (тара) га солади.

*Вагонларни қараб юрувчи* (темир йўлда) қўли билан букслар (сирпаниш подшипнигига эга бўлган қурилма) ни ушлаб кўриш йўли билан унинг

хароратини белгилайди, буксларда металл чангларнинг изи бор-йўқлигини қараб текширади ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаради. Таъмирлаш ишлари ўтказиш зарурлиги туғрисида бир қарорга келади.

**2. Ўзгартирувчи касблар (II).** Жуда кўп касблар меҳнат предметларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлади.

Одамнинг ўзгартирувчи фаолияти фақат буюмларгагина қаратилиб қолмай, шу билан бирга энергия турларига, информацияларга, жараёнларга, ижтимоий ҳаётнинг тузилишига қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Мана, бунга фақат биргина мисол келтирамиз. Камолат сардори ўқувчиларни уюштирди ва улар кўчат ўтказишда фаол иштирок этдилар. Мана шу мисолда фақат ландшафтнинг ўзгарганлиги туғрисида гапириш кифоя қилмайди. Бу ерда энг муҳими болаларнинг меҳнатга, бир-бирларига бўлган муносабатлари ўзгаради ва ҳоказо.

Гоҳо ўзгариш меҳнат предметига бевосита таъсир кўрсатиш жараёнида, айтайлик, чилангарнинг ишида, чизмачи, кандакор ёки тошга ўйиб гул солувчи устанинг ишида содир бўлиши мумкин.

Ўзгартирувчи касблар туркумига оид мисолларни илгари кўриб чиқилган касбларнинг беш типидан истаган биттасида кўплаб топиш мумкин. Ўзгартирувчи касблар ходимдан муайян фазилатларга эга бўлишни талаб қилади. Шунчаки талаб қилибгина қолмай, шу билан бирга ўша фазилатларни актив равишда ривожлантиради ҳам.

Мазкур туркумга оид касбларнинг яна бир ўзига хос хусусиятини таъкидлаб ўтиш керак. Меҳнат предметини амалий равишда ўзгартириш ходимдан ақлий фаолият кўрсатишни талаб қилади. Меҳнатнинг ақлий (интеллектуал) томони кўпинча ташқаридан кузатганда кўзга кўринмайди. Шунинг учун ҳам баъзи бир ишларнинг (уларни юзаки кузатганда) интеллектуал юкмаси йўқдай бўлиб туюлади. Касб танлаётган вақтда ва кейинчалик ўша касбни пухта эгаллаб олинаётган вақтда меҳнатнинг ана шу кўзга кўринмайдиган, яширин томонини кўра билишни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, шундай бир амалий вазиятни кўздан кечириб чиқайлик.

Токаръ кесиш асбобини танлаяпти, дейлик. Ташқаридан қараганда, бу бир дақиқалик иш: бундай қаради-ю, дарҳол баҳолаб ўзига кераклисини танлаб олди. Хўш, аслида-чи? Аслини олганда, бу ерда нималар содир бўлди? У хаёлан кўз олдида турган барча кесиш асбобларининг қирраларини, учларини, бурчакларини алоҳида-алоҳида текшириб чикди. Сўнгра, яна хаёлан у ёки бу резецни танлаб ўзига керак бўлган маълум гуруҳга (масалан, резьба очадиган ёки қирқадиган ёхуд бошқа бир турдаги кесиш асбоблари гуруҳига) киритади. Шундан кейин у яна ўз диққат-эътиборини қирқилаётган предметга яқинлаштирилган муайян кесиш асбобига (унинг жойлаштирилишига, кесиладиган бурчакларга) жалб қилади, ушбу асбобни хаёлан бошқа шунга ўхшаган типдаги асбоблар группасига киритади.

Юқорида келтирилган мисолларнинг қайси бирида ходимларнинг ўзгартирувчи фаолияти ёрқинроқ намоён бўлганлигини аниқланг.

*Озиқ-овқат маъсулотлари сотувчиси.* Иш куни мобайнида сотувчи бўлимдаги молларни текшириб туради, уларни харидорлар учун қулай бўлган жойларга олиб қўяди, харид қилинган молларга тўғри ҳақ тўланаётганини текширади ва бошқа шу сингари ишларни бажаради.

*Болалар борчасининг тарбиячиси.* Болаларнинг ўйиларига, меҳнатига, ўз-ўзига хизмат; кўрсатишига раҳбарлик қилади, боладарда элементар математик тасаввурларни ривожлантириш, нутқ ўстириш, расм чизиш, ҳайкалчалар яшаш, мусиқа бўйича машғулотлар ўтказади; одамлар жамиятда ўзларини қандай тутишлари тўғрисидаги қоидалар, ахлоқ-одоб меъёрлари билан болаларни таништиради, оилада бола тарбияси масалалари бўйича ота-оналар ҳузурида нутқ сўзлайди.

**3. Тадқиқотчилик касблари (И).** Мазкур туркумнинг номи изоҳ беришни талаб қилади. Бу номга қараб, мазкур касб қидирув ишлари билан (масалан, геологик қидирув ишлари билан) ёки илмий тадқиқотлар билан, албатта, боғлиқ касб бўлса керак, деб ўйламаслик керак. Бу ерда ўзгартирувчи туркумга яқин бўлган касблар тўғрисида гап боради.

Мазкур туркумдаги касбда килинадиган меҳнатнинг мақсади — қандайдир бир номаълум нарсани, бунинг устига кўпинча чекланган бир вақт шароитида қидиришдан иборат бўлади. Бунинг биз пойабзал сиртини тайёрлайдиган бичиқчи устанинг иши мисолида тасвирлаб беришга ҳаракат қиламиз. У бир парча чармни қўлига олиб, уни прессинг плитаси устига қўяди, материал устига қирқиш асбоби — резакни жойлаштиради, ударникни иш устига шундай яқинлаштирадики, у шундайгина резак устига келиб қолади ва шундан кейингина станокни юргизади. Сиртдан қараганда, ҳаммаси оддий ишга ўхшаб туюлади. Лекин ҳар бир чарм парчаси ўзининг шакли, ўлчови, яққол кўзга кўриниб турган ва кўринмай турган сифатлари бўйича бошқа ҳеч бир шундай чарм парчасига ўхшамайдиган даражада бетакрордир (чармнинг турли жойлари қалинлиги билан бир-биридан фарқ қилади, турлича деформацияланади, унда ёрилган, кесилган жойлар ва бошқа шунга ўхшаш нуқсонлар мавжуд бўлади материалнинг турли қисмлари пойабзалнинг муайян деталларини тайёрлаш учун яроқли бўлади). Чарм — кимматбаҳо материал, шунинг учун ундан жуда оз даражада чиқинди чиқадиган қилиб бичиш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир материал парчаси қўлга олинганида бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтириш учун вақт йўқ. Шундай бўлгач, ҳар сафар айти мана шу чарм парчаси бичиғининг қандай қилиб энг яхши вариантини топиш мумкин, қандай қилинганда энг тежамли ва энг сифатли бўлади, деган мураккаб вазифа қўндаланг бўлиб туради.

Ўзгартирувчи туркумдаги касбларга разметкачилик (кемасозлик соҳасида, металлга ишлов бериш: саноатида), яқка тартибда кийим тикиш ательесининг бичиқчилик касбини ва бошқа шунга ўхшаш касбларни киритиш мумкин.

Қуйида келтирилган икки хил касб ишчилари меҳнатини бир-бирига таққосланг. Улардан қайси бири кўпроқ мураккаб амалий вазифаларни ҳал этади?

*Кўчма бетон қориш машинасининг мотористи.* Белгиланган рецептларга мувофиқ у юк ташиш қурилмаларининг ёрдамида цемент, қум ва бошқа зарур компонентларни аралаштириш агрегатларига тўқади. Мана шу агрегатларни тоққа улаб юргизади, ўчиради ва шу йўл билан бетон, қоришма ҳамда бошқа шунга ўхшаш нарсалар ишлаб чиқариш бўйича берилган режимни бажаради.

*Скрепер машинисти* (ер қазих-транспорт машинаси машинисти). Қурилишда скрепер машинистлари қурилишга биринчи бўлиб қадам қўядиган кишилардир. Улар ҳали йўл қурилмаган сайхонликда биринчи бўлиб иш бошлайдилар; баъзан жуда чуқур жойлардан, масалан, котлованлардан юриб ўтишга тўғри келади. Машинист ковшнинг ҳолатини кузатиб боради, ковш тупроққа қандай тўлиб бораётганлигини текшириб туради. Тупроқнинг хусусиятига қараб (у яхлаган бўлиши, сочма бўлиши, лой аралашган тошлоқ бўлиши мумкин ва ҳоказо) уни суриш режимини мувофиқлаштириб туради, яъни суриб текисланадиган тупроқ қатламининг қалинлигини ўзгартиради. Машинист ўз ишида техника ҳужжатларига (технология картасига, барпо этилаётган иншоот схемасига) амал қилади.

Юқорида келтириб ўтилган касбларнинг уч туркумга бўлинганлиги — шартли бўлинишдир. Шундай касблар ҳам борки, улар икки ёки ҳатто мана шу учала туркумдаги касбларнинг ҳаммасига хос бўлган белгиларни турли даражада ўзида мужассамлаштирган бўлади. Чунончи, ўқитувчилик касби ўзгартирувчи касблар синфига мансубдир, бироқ имтиҳонлар даврига келиб, ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текшираётган, баҳолаётган вақтда меҳнатнинг мақсади кўпроқ гностик касбларга хос бўлиб қолади. Таъмирчи-чилангар дастлаб механизмнинг бузилган жойини топади, кейин уни тузатади, бундай бузилиш бошқа такрорланмасдиги учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида ўйлайди. Бу ерда меҳнат мақсадининг ҳар учала тури — билиш, ўзгартириш ва тадқиқ этиш турлари мавжуд. Лекин ҳар қандай касбда ҳам меҳнатнинг асосий мақсади нимадан иборат эканлигини белгилаб олиш мумкин ва у мана шу мақсадга қараб муайян бир туркумга киритилади.

#### **4. Касбларнинг бўлимлари ва гуруҳлари**

Касбларнинг бўлимлари. Меҳнат воситаларига қараб касблар бўлимларга бўлинади.

**1. Қўл меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар (Р).** Мазкур касбда ишловчи кишилар қўл меҳнатидан ва механизациялаштирилган меҳнат қуролларидан фойдаланадилар. Масалан, отвёртка, скальпель (жарроҳлик пичоғи), штихель (ёғочга ёки металлга ўйиб гул солиш асбоби), реисфедер, торцовка (бўёқчилар чўткасининг бир хили), электр дрель, буёқ пуркагич, пневматик отбойка болғаси ва ҳоказолар ана шундай иш қуроли ҳисобланади.

Қўл меҳнатида ишлатиладиган (механизациялаштирилган) асбоблар, хунармандчиликнинг ўзи сингари, такомиллашиб бормоқда. Бундай асбобларни ишлатиш вақтида кишидан юксак даражада меҳнат маданияти, чидамлилик, фақат ишнинг натижаларигагина эмас, шу билан бирга ўша иш жараёнининг ўзига ҳам алоҳида қизиқиш билан қараш талаб қилинади.

**2.Қўлда бошқариладиган машиналардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар (М).** Бошқача қилиб айтганда, уларни ҳам машинада, ҳам қўлда иш бажариладиган касблар дейиш мумкин — токарь, фрезерчи, кран машиниси, кенг профилдаги тракторчи-машинист, тепловоз машинисти ва бошқалар ана шундай ҳам кул меҳнати, ҳам машинадан фойдаланиладиган касблар қаторига киради. Бундай касбларда ишлайдиган кишилардан фақат технологик билимларга эга бўлиш талаб қилинмасдан, шу билан бирга улардан қўл меҳнати малакасига эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Улар кутилмаган сигналларга ва тўсатдан бўладиган воқеа-ҳодисаларга тайёр бўлиб туришлари керак, Бундай вақтларда улардан ниҳоятда тез бир қарорга келиш ва содир бўлаётган ишларнинг оқибатини олдиндан кўра олиш ва шошилиш чоралар тарзида бажариладиган ҳаракатларга тайёр бўлиб туриш талаб қилинади.

**3.Автоматлаштирилган ва автоматик тизимлардан, аппаратлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар (А).** Автоматлаштириш даражасига қараб ишлаётган кишининг зиммасига ҳар хил вазифа тушиши мумкин. Бу вазифа умуман агрегатни ва унинг ремонтни билан боғлиқ бўлган ишларни бошқаришдан тортиб ўша агрегат ишини кузатиб туриш ва агар зарурат туғилса, керакли мутахассисни чақиришгача бўлган ишларни ўз ичига олади. Мазкур касб бўлимининг вакиллари—прокат станининг оператори, энерготизим диспетчери, кимё ишлаб чиқариши аппаратчиси, автоматик линиялар оператори, пўлат куювчи ва бошқалардир.

**4.Функционал воситалар, меҳнат қуроллари кўпроқ талаб қилинадиган касблар (Ф).** Бу ерда одам хулқ-атворидаги функционал воситалар ва унинг нутқидаги ана шундай воситалар, яъни имо-ишоралар, товушлар, сўзлар, жумлаларнинг талаффуз қилиниши, маъно ташувчи ва эмоционал интонациялар, тўхталишлар, юз мимикаси меҳнат қуроли ролини бажаради. Бу бўлимга: ўқитувчи, тарбиячи, диктор, актёр, хор ёки оркестр дирижёри сингари касблар киради.

Одам организми ҳам функционал восита ролини бажариши мумкин (балет артисти-спорт педагог-тренери, ашулачи, цирк акробати).

Мана шу касбларни эгаллаган кишилар учун ўз хотирасида жуда кўп қоидаларни, маълумотларни сақлаб қолиш қобилияти, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш қобилияти характерли бўлади.

**Касб гуруҳлари.** Ниҳоят, пирамиданинг охиридан оддинги қавати (1-расмга қаранг) —меҳнат шароитлари бўйича касблар классификациясига тўхталиб ўтамиз. Касблар тўртта гуруппага бўлинади:

**1.Одатдаги («маиший») микроиклим шароитидаги меҳнат (Б).** Ҳисобчи, иқтисодчи, чизмачи, ўқитувчи ва бошқаларни мана шу касб гуруҳига киритиш мумкин.

**2.Харорат, намлик кескин ўзгариб турувчи очик хавода ишлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат (О).** Қуйидаги касблар бунга мисол бўла олади: курувчи, ўт ўчирувчи, деҳқон-фермерлар ва бошқалар.

**3.Одатдан ташқари меҳнат: ер остида, сув остида, баландликда, хавода, қайноқ цехларда, соғлиқ учун муқаррар зарарли таъсири бўлган цехларда ишлаш (Н).** Бундай касбга мисоллар: учувчи, шахтёр, ғаввос ва ҳоказо.

**4.Одамларнинг соғлиги, ҳаёти учун, катта-катта жамоат бойликлари, моддий неъматлар учун оширилган маънавий масъулият билан боғлиқ бўлган меҳнат (М).** Ўқитувчи, шифокор, милиция инспекторлари, техника хавфсизлиги муҳандислари ва бошқа касбларни мана шу меҳнат гуруҳига киритиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган касбларнинг меҳнат шароитига қараб бўлиниши бу, албатта, шартли бўлинишдир. Кўп ҳолларда бир хил касбдаги кишиларнинг меҳнати турлича шароитда кечади. Шунинг учун бундай вақтларда ўша шароитларнинг энг асосийларини ҳисобга олишга тўғри келади.

## **5. Касб танлаш формуласи**

Пирамиданинг тўртта яруси — қавати тўлдирилган (1- расмга қаранг). Бешинчиси ҳозирча бўш қолдирилган. Бу ерга сиз ўзингиз танлаган касбнинг бир неча ҳарфдан иборат бўлган формуласи — шартли белгисини ёзиб қўйишингиз керак. Бу ҳарфлар сиз ёқтирган касбнинг типига, туркумига, бўлимига, группасига мувофиқ келади.

Масалан, сиз ўсимликлар билан иш олиб боришни хоҳлайсиз, дейлик. Сиз қўл меҳнатини енгиллаштирадиган иш қуролларидан фойдаланиб актив равишда ўзгартирувчилик фаолияти билан машғул бўласиз. Лекин бунда ўз меҳнатингиз кундалик, оддий, маиший шароитларга яқин бўлган бир вазиятда кечишини истайсиз. Бундай вақтда сиз танлаган касбнинг формуласи шундай бўлади: ППРБ («Одам-табиат» типигаги касб, ўзгартирувчи касблар гуруҳидан, қўл меҳнати ишлатиладиган касблардан, меҳнат шароити — маиший). Мана шу йўналишда олиб борилган аниқ мақсадни кўзловчи изланишлар машғулотнинг конкрет турини топишга ёрдам беради: масалан, ушбу формулага теvarак-атрофдаги иқлимдан ҳимоя қилинган тупроқ шароитида (иссиқхона хўжалигида) ишловчи мева-сабзавотчи (гулчи) касби тўғри келади.

Сиз энди яхши биласизки, ҳар қандай касбни муайян классификация турига фақат шартли равишдагина киритиш мумкин. Амалда эса бир касбнинг ўша классификациянинг бир неча турига тегишли эканлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Ахир, бир типга мансуб бўлган ҳар қандай касбда албатта, бошқа касбга хос бўлган белгилар ҳам учрайди. Ҳамма гап шундаки, мана шу ўхшаш жиҳатларнинг қайсилари асосий белгилар-у, қайси бири иккинчи планга олинишини, лекин барибир муҳим белги бўлиб қолишини аниқлаб олиш керак. Шуларнинг ҳаммасини формулада ҳисобга олиш мумкин. Бунинг учун унга қўшимча ҳарфли индекслар киритиш лозим. Масалан, сиз ўзингиз хоҳлаган бўлғуси касбингизда П ва Х типига хос белгилар бўлишини истайсиз, дейлик (буни биз ПХ деб белгилаймиз). Бунда сизга ёқадиган касбларнинг бири — гулчилик-декораторлик бўлиб чиқади.



Шундай ҳам бўлиши мумкинки, ҳосил қилинган формулага ҳозирча ҳеч бир касб тўғри келмайди, яъни ҳали ҳаётда бундай касбнинг ўзи йўқ. У ҳолда формулани бошқатдан тузишга тўғри келади, уни реал ҳаётга яқинлаштирилади. Бундай қилинаётган вақтда касб танлашга: «керак, қўлимдан келади, хоҳлайман» деган шиор асос қилиб олинмоғи керак.

«Керак» деган сўз муайян касбдаги кадрларга жамиятда мавжуд бўлган эҳтиёжни кўрсатади. Башарти, сиз бирор иш билан шуғуллана олсангиз ва шуғулланишни истасангиз-у, лекин у иш жамиятда керак бўлмаса, унда сизнинг қизиқиш ва қобилиятингиз ўз маъносини йўқотади.